

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТАНОВА ЛАЙЛО РУСТАМЖОНОВНА**

**БОЛАЛАРДА ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТНИНГ  
НОИОНЛАШТИРУВЧИ НУР ДИАГНОСТИКАСИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Султанова Лайло Рустамжоновна</b> Болаларда гломерулонефритнинг ноионлаштирувчи нур диагностикаси .....	3
<b>Султанова Лайло Рустамжоновна</b> Неионизирующая лучевая диагностика гломерулонефрита у детей .....	25
<b>Sultanova Laylo Rustamjonovna</b> Non – ionizing diagnostic imaging of glomerulonephritis in children .....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**СУЛТАНОВА ЛАЙЛО РУСТАМЖОНОВНА**

**БОЛАЛАРДА ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТНИНГ  
НОИОНЛАШТИРУВЧИ НУР ДИАГНОСТИКАСИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТАШКЕНТ -2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4. PhD/Tib 4096 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупалиева Гулнора Акмаловна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Ахмад Хашимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мамадалиева Яшнар Мамасолиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сийдик айирув тизими касалликлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...ҳозирги вақтда болаларда учрайдиган асосий патологиялар орасида 2-ўринни эгаллайди. Сўнгги ўн йилликда болаларда буйрак патологиясининг учраш частотаси 2,5-3 баробарга ошди ва минтақага қараб ҳар 1000 болага йилига 20,6 дан 106 ҳолатгача етади»<sup>1</sup>. Болаларда сийдик айирув тизими патологияларидан бири гломерулонефрит бўлиб, у буйракнинг коптокча аппаратиغا асосан таъсир этувчи катта иммун-яллиғланиш касалликлар гуруҳини ташкил этади. Патологик турларининг мураккаблигига қарамасдан, маълум бир босқичгача ривожланишнинг умумий натижаси буйрак фибрози бўлиб, бу гломеруляр склероз, тубуляр атрофия, интерстициал фиброз ва буйрак қон томирлари тармоғидаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Болаларда буйрак касалликларида фиброзни эрта аниқлаш, сурункали буйрак етишмовчилигини ривожланишни олдини олиш учун муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча сурункали гломерулонефритни буйракларда нефросклероз ривожланиши билан бирга сезиларли ва қайтариб бўлмайдиган шикастланганда аниқлаш мумкин. Бундай ҳолларда ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволаш имконияти ўтказиб юборилади, бу эса буйраклардаги патологик жараённинг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин ва шу масала тўғрисида маълумотлар кам.

Жаҳонда болаларда гломерулонефритни эрта аниқлаш ва даволаш, текшириш усуллариани такомиллаштириш, рецидивлар сонини камайтиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ушбу касаллик билан касалланган болаларни текширишда ноионлаштирувчи хавфсиз диагностика усуллариани қўллаш мақсадга мувофиқдир. Стандарт диагностика усуллариани кўп параметрли ультратовуш (кулранг шкала, доплерография, эластография) ташхисоти (УТТ), экскретор урография ва радионуклид сцинтиграфия кенг қўлланилиб келмоқда, лекин контраст моддаларга аллергик реакциялар ва рентген-радиологик тадқиқотларини ўтказишда болалар организмига нурланиш дозасини сезиларли даражада салбий таъсири туфайли улардан фойдаланиш чекланилади. Бундай ҳолларда магнит-резонанс томографияси (МРТ) каби мураккаб технологияни қўллаш аниқ ва ишончли диагностика учун қўшимча имкониятлар беради. Шу боисдан болаларда гломерулонефритни эрта ташхислаш имконини берувчи усулларни излаш зарурати ошмоқда, жумладан ноионлаштирувчи усуллариани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, узоқ муддатли натижаларни батафсил таҳлил қилиш кўплаб ҳал этилмаган саволларга алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, болалар нефрологиясида касалликларнинг эрта ташхислаш ва асоратларни олдини олиш бўйича катта натижаларга эришилган. Бу борада соғлиқни сақлаш

---

<sup>1</sup> Wenderfer S.E. Gaut J.P. Glomerular Diseases in Children. Adv. Chronic Kidney Dis. 2017; 24: 364-371;

тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида, жумладан «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган мақсадида қатор илмий тадқиқотлар мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда болаларда гломерулонефрит касаллиги билан касалланиш кўпаймоқда. Гломерулонефритнинг ривожланишига мойиллик қилувчи факторлари куйидагилар: инфекцион-аллергик касалликларга нисбатан оғир ирсият, стрептококк инфекциясига юқори сезувчанлик ва бошқалар. Сурункали гломерулонефритнинг шаклланишида айрим генетик ва тиббий-биологик омилларнинг аҳамияти ҳали етарлича ўрганилмаган. Клиник амалиётда коптокчалар фильтрация тезлигини (КФТ) ўлчашда энг кўп тарқалган эндоген маркерлар креатинин ва қондаги мочевинадир. Шунга қарамасдан, бу маркерлар ҳаттоки енгил ва ўрта даражадаги КФТнинг пасайишини аниқлашда сезгирлиги билан чекланган. Қўшимча равишда, қондаги креатинин ва мочевина даражаси турли омиллар, масалан, ёш, жинс, мушак фаоллиги даражаси, қабул қилинадиган дорилар ва беморнинг парҳези каби турли омиллар таъсир қилади. Шу муносабат билан болаларда гломерулонефритни аниқлашда нур диагностика усуллари муҳим аҳамиятга эга, бундай усулларга кўп параметрли ультратовуш (кулранг шкала, доплерография, эластография, 3D ва 4D), экскретор урография ва нефросцинтиграфия муҳим рол ўйнайди. Гарчи улар кенг омма учун мавжуд бўлса-да, бир қатор сабабларга кўра бир неча муҳим чекловларга эга. Ушбу стандарт усулларнинг чекловлари магнит-резонанс (МРТ) ва рентген компьютер томографияси (КТ) каби мураккаб диагностик технологиялардан

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»

фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради (Васильев А.Ю., 2009; Ramanathan S., 2016). Ҳозирги вақтда буйрак биопсияси болаларда буйрак фиброзини клиник баҳолашнинг энг кенг тарқалган усули бўлиб қолмоқда. Тери орқали биопсиянинг аниқлиги жуда юқори бўлса-да, пункция ва инвазив диагностика осонлик билан асоратларга, масалан, гематома, макрогематурия, артериовеноз фистула ва инфекция каби ҳолатларга олиб келиши мумкин (Leong S.S., Wong J.H.D., Md Shah M.N., Vijayanathan A., Jalalonmuhali M., Ng K.H., 2018). Болалар нефрологлари орасида гломеруляр касалликка чалинган қайси болаларда буйрак биопсияси кераклиги ҳақида ҳамон ягона фикр йўқ, шунингдек, бу амалиётда амал қилиниши лозим бўлган стандарт тавсиялар мавжуд эмас (Li-Qiong Shi, Jie Sun, Li Yuan, 2023). Шу тариқа, агар биопсияни камайтириш ёки ҳатто унинг ўрнини босувчи ноинвазив ва ишончли эрта диагностика усули топилса, бу болаларда гломеруляр касалликларни даволаш ва мониторинг қилиш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Силжиш тўлқини эластография (СТЭ) - бу янги ноинвазив визуализация усули бўлиб, реал вақт режимда мақсадли механик хусусиятларнинг миқдорий эластограммаларини яратади (The EFSUMB Guidelines and Recommendations for the Clinical Practice of Elastography in Non-Hepatic Applications, 2019). Сўнгги йилларда СТЭ усули орқали тўқималар эластиклигини баҳолашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу усул нафақат қалқонсимон без ва кўкрак беши каби юзаки органларда, балки қорин бўшлиғи органларида, айниқса жигар фиброзини баҳолашда хусусан, жигар фиброзининг даражасини баҳолашда келажакдаги умидли қўлланма усули сифатида ўрганилган (WFUMB guidelines and recommendations for clinical use of ultrasound elastography, 2015). Гарчи буйракларда СТЭ қўлланилиши бўйича айрим тадқиқотлар нашр этилган бўлса-да, натижалар ҳали ҳам номаълум (Mo X.L., Meng H.Y., Wu Y.Y., Wei X.Y., Li Z.K., Yang S.Q., 2022). Европанинг тиббиёт ва биологияда ультратовуш ассоциацияси (EFSUMB) ҳам бугунги кунда буйракларда эластография қўлланилиши бўйича аниқ тавсиялар бериб бўлмастлигини таъкидлади. Шу сабабли, бу соҳада янада кенгроқ ва батафсил тадқиқотлар талаб этилади.

Мамлакатимизда болаларда гломерулонефрит касаллигини инструментал ва клиник ташхислаш орқали самарали даволаш тизими ташкиллаштириш ва беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда (Б.Т.Даминов, Л.К.Рахманова, К.А.Хамзаев, Б.Б.Маматкулов, Г.А.Юсупалиева, 2023). Бироқ, болаларда гломерулонефритнинг ўткир ва сурункали кечувини ташхислашда ноинвазив нур усуллари қўлланилишининг оптимал вариантлари очиб берилмаган.

Шундай қилиб, болаларда гломерулонефритнинг юқори учраш частотаси ва кеч аниқланиши, стандарт рентгенологик ва ультратовуш тадқиқотларининг қониқарсиз натижалари, унинг диагностика самарадорлигини мультимодал нур диагностика орқали ошириш имконияти мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Болаларда гломерулонефритни ташхислашда қийинчиликлар ва турли ёндашувлар

клиник протоколлар ва комплекс ноинвазив нур диагностика усулларидан фойдаланиш стандартларини такомиллаштиришни талаб қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ИЗ-2021012420 рақамли амалий илмий лойиҳа доирасида “Сурункали буйрак касалликлари комплекс диагностикаси учун дастурий маҳсулотни яратиш” мавзусида амалга оширилди (2021-2024 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади:** беморларни комплекс текширув тизимида ноионлаштирувчи нур ташҳис усулларини қўллаш орқали болаларда гломерулонефрит ташҳисини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда магнит-резонанс томографияси (МРТ) ва мултипараметрик эхографияни эластография билан биргаликда қўллаган ҳолда ноионлаштируви нур ташҳис усулларини ўтказиш технологиясини такомиллаштириш;

амалий соғлом болаларда буйракларнинг эхографик ва эластографик хусусиятларини ўрганиш;

болаларда гломерулонефритнинг ноионлаштирувчи нур текширув усуллари (МРТ, эхография) семиотикасини батафсил тавсифлаш;

болаларда СГда буйракнинг кортико-медуляр қавати фиброзини баҳолашда силжиш тўлқини эластографиясининг имкониятларини ўрганиш;

болаларда гломерулонефритни аниқлашда ноионлаштирувчи нур ташҳисининг самарадорлигини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Болалар Миллий тиббиёт марказида 2019-2023 йилларда кўриқдан ўтказилган ва стационар даволашда бўлган 220 та бемор бола (3 ойдан 18 ёшгача), шулардан 160 та болада турли шаклдаги гломерулонефрит ва 60 та буйрак патологиясиз болалар (назорат гуруҳи) бўлди.

**Тадқиқотнинг предмети** болаларда гломерулонефритни аниқлаш учун турли хил нур ташҳиси усуллари, жумладан, комплекс эхография, МРТ, кўрсатмаларга кўра рақамли рентгенография ва МСКТ натижалари бўлди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: умумклиник, лаборатория, инструментал, нур ташҳис усуллари (ультратовуш диагностикаси, магнит-резонанс томографияси, кўрсатмаларга кўра рақамли рентгенография, мултиспираль компьютер томографияси) ва статистик тадқиқот усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларда буйракнинг кортико-медуляр қаватининг қаттиқлик даражасини 5 мм чуқурликда сифат ва миқдорий баҳолашда ARFI ва SWE силжиш тўлқинли эластографиянинг аниқ визуализацияси учун латерал ва люмбал доступлари орқали ўтказиш техникаси такомиллаштирилган;

болаларда ўткир ва сурункали гломерулонефритнинг дифференциал диагностикасида буйрак тўқимасидаги яллиғланиш ёки фиброзланиш

холатларини юқори майдонли МРТ усулининг DWI-режимда диффузия коэффициентининг ўзгариши ҳисобига қўлланилиши исботланган;

болаларда гломерулонефритни ўткир ва сурункали кечувини баҳолашда силжиш тўлқинли эластографияда буйракнинг кортико-медуляр қаватининг каттиқлик кўрсаткичлари касалликка хос бўлган чегара қийматлари ROC-эгри чизиғи орқали диагностик самарадорлик кўрсаткичлари исботланган;

болаларда сурункали гломерулонефритнинг босқичларини аниқлашда имкониятлар чекланган, кўп травматик ҳисобланган буйрак пункцион биопсиясига алтернатив усул сифатида ARFI ва SWE силжиш тўлқинли эластографияларини ўтказилиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** қуйидагилардан иборат:

болаларда гломерулонефритда буйрак тўқимасининг каттиқлик даражасини объектив баҳолашда силжиш тўлқинли эластография усуллари ёрдамида аниқланган, бу эса диагностика ва даволаш стратегияларини тўғри танлаш имконини берган;

ҳар бир ноионланувчи ташҳис усулининг самарадорлиги ва аҳамияти касалликнинг ривожланиш босқичига боғлиқ ҳолда баҳоланган, ушбу усулларнинг клиник амалиётга кенг жорий этилиши гломерулонефритга шубҳа қилинган болаларни текширишни янада мақбуллаштирига имконини берган;

болаларда гломерулонефритни ташҳислаш учун ноионлаштирувчи нур ташҳиси усуллари қўллаш ва тизимлаштириш бўйича оптимал алгоритм ишлаб чиқилган;

болаларда гломерулонефритни ноионлаштирувчи нур ташҳиси тадқиқотининг ишлаб чиқилган диагностик алгоритми даволаш ва соғломлаштириш тадбирларига дифференциал ёндашувларни танлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган клиник ва инструментал тадқиқот усулларидан, шунингдек олинган маълумотларни статистик қайта ишлашнинг тўғри стандарт усулларидан фойдаланганлик билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий тадқиқот натижаларининг илмий қиймати шундаки, улар болаларда гломерулонефритнинг нур диагностикаси хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. Олинган натижалар радиология мутахассислиги бўйича талабалар, магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқитиш жараёнида фойдаланилилади.

Тадқиқотнинг амалий қиймати шундаки, болаларда гломерулонефритни ташҳислаш ва мониторинг қилиш учун тақдим этилган алгоритм диагностика ва визуализация усуллари қўллашни оптималлаштириш ва рационал ташкил этишга олиб келади. Ўтказилган тадқиқотлар болаларда гломерулонефритни ташҳислаш, касалликнинг хусусиятларини баҳолаш, даволаш ва прогнозлаш масалаларини ҳал қилиш ва ўрганишга катта ҳисса қўшади. Бу статистик-математик ҳисоб-китоблар асосида нур ташҳиси усулларидан фойдаланган ҳолда диагностик мезонларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Болаларда гломерулонефритнинг ноионлаштирувчи нур диагностикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: болаларда буйракнинг кортико-медуляр қаватининг қаттиқлик даражасини 5 мм чуқурликда сифат ва миқдорий баҳолашда ARFI ва SWE силжиш тўлқинли эластографиянинг аниқ визуализацияси учун латерал ва люмбал доступлари орқали ўтказиш техникаси такомиллаштириш бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими томонидан 2022 йил 30 декабрда №8 н-р/1603 сон билан тасдиқланган “Болаларда гломерулонефрит ташхисида комплекс эхография билан силжиш тўлқини эластографиясини қўллаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси 2023 йил 4 декабрдаги №154 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ва трансплантология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 5 декабрдаги №72 буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги №05/42-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* болаларда ўткир ва сурункали гломерулонефрит ташхисида силжиш тўлқини эластографиясини қўллаш методологияси клиник жиҳатдан асосланди. Бу эластографияни комплекс даволаш-профилактика муассасасида беморларни текширишнинг биринчи босқичида оптимал қўллаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* беморларни комплекс УТТ билан динамик кузатиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, СТЭ қўлланиши буйрак биопсиясига альтернатива сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Бу ҳар бир бемор учун  $135 \pm 11,8$  минг сўм иқтисод қилишни таъминлайди, таклиф этилган ультратовуш усулини жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳар бир беморга 210000 сўмни иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* болаларда кўп позицион ва кўп проекцион эластография технологиясини такомиллаштириш диагностика жараёнини қисқартириш ва харажатларни камайтириш имконини беради, бу эса гломерулонефрит билан оғриган болалар учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга, ҳамда ҳар бир беморга бир марталик кўрик 210000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик: болаларда ўткир ва сурункали гломерулонефритнинг дифференциал диагностикасида буйрак тўқимасидаги яллиғланиш ёки фиброзланиш ҳолатларини юқори майдонли МРТ усулининг DWI-режимида диффузия коэффицентининг ўзгариши ҳисобига қўлланилиши исботланганлигини аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 2022 йил 30 декабрда №8 н-р/1604 сон билан тасдиқланган “Болаларда гломерулонефрит ташхисида ноионлаштирувчи усуллардан фойдаланиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси 2023 йил 4 декабрдаги №153 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ва трансплантология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 5 декабрдаги №72 буйруқлари

билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги №05/42-сон хулосаси) га мувофиқ амалга оширилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* касаллик давомийлиги 2 ойдан ортиқ бўлган барча нефрологик беморларда клиник ҳолат ва коптокчалар филтрация тезлигини баҳолаш, шунингдек, диффузия коэффицентини (ADC) аниқлаш билан DWI-режимидаги юқори майдонли МРТни ўз ичига олган янгиланган нефрологик МРТ протокол бўйича текширув ўтказилиши керак. Бу касалликнинг эрта босқичларида гломерулонефритни аниқлаш самарадорлигини оширади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* диагностика марказлари орасида бир нефросцинтиграфия текширувининг ўртача қиймати  $465,0 \pm 26,2$  минг сўмни ташкил этган бўлса, юқори майдонли МРТ текшируви  $221,9 \pm 18,1$  минг сўмга тушган. Тадқиқотлар қийматининг фарқини ҳисоблаш натижасида аниқландики, юқори майдонли DWI-режимидаги МРТ текшируви танланганда бир бемор бола учун ташҳисот нархи ўртача  $243,1 \pm 8,1$  минг сўмга камаяди. **Хулоса:** буйрак тўқимасидаги яллиғланиш ёки фиброзланиш ҳолатларини юқори майдонли МРТ усулининг DWI-режимида қўлланилиши болаларда гломерулонефритни аниқ ташҳислаш эҳтимолини оширади ва ҳар бир бемор учун  $243,1 \pm 8,1$  минг сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Учинчи илмий янгилик: болаларда гломерулонефритни ўткир ва сурункали кечувини баҳолашда силжиш тўлқинли эластографияда буйракнинг кортико-медуляр қаватининг қаттиқлик кўрсаткичлари касалликка хос бўлган чегара қийматлари ROC-эгри чизиғи орқали диагностик самарадорлик кўрсаткичлари исботланган Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 2022 йил 30 декабрда №8 н-р/1604 сон билан тасдиқланган “Болаларда гломерулонефрит ташҳисида ноионлаштирувчи усуллардан фойдаланиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси 2023 йил 4 декабрдаги №153 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ва трансплантология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 5 декабрдаги №72 буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги №05/42-сон хулосаси) га мувофиқ амалга оширилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* у статистик жиҳатдан ишончли тарзда ўткир ва сурункали гломерулонефритли болаларни умумий контингентдан ажратишга, ушбу гуруҳ беморлари учун адекват ва тўғри терапия йўналишини танлашга ва танланган даволаш самарадорлигини мониторинг қилишга имкон беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* болаларда ўткир ва сурункали гломерулонефритнинг эрта ультратовуш белгиларини аниқлаш ва ушбу касаллик ривожланиш хавфи гуруҳини ажратиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, диагностика муддатларини қисқартириш ҳисобига иқтисодий харажатларни 2,7 мартага камайтириш имконини берди. **Хулоса:** болаларда гломерулонефрит ташҳисини такомиллаштиришга бағишланган, замонавий ултратовуш усулларида фойдаланиш орқали диагностика жараёнининг самарадорлигини

ошириш, касалликнинг эрта босқичларида аниқлаш диагностика муддатларини қисқартириш ҳисобига иқтисодий харажатларни 2,7 мартага камайтириш имконини берган.

**Тўртинчи илмий янгилик:** болаларда сурункали гломерулонефритнинг босқичларини аниқлашда имкониятлар чекланган, кўп травматик буйрак пункцион биопсиясига алтернатив усул сифатида эластографияни ARFI, SWE силжиш тўлқинли ҳисобига ўтказилиши эканлигини асосланиши бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 2022 йил 30 декабрда №8 н-р/1603 сон билан тасдиқланган “Болаларда гломерулонефрит ташхисида комплекс эхография билан силжиш тўлқини эластографиясини қўллаш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси 2023 йил 4 декабрдаги №154 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ва трансплантология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 5 декабрдаги №72 буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги №05/42-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* болаларда гломерулонефритнинг прогностик хусусиятларини аниқлаш учун қимматбаҳо бўлган буйрақлар биопсияси усулига эҳтиёжни камайтиришда (қарши кўрсатмаларни ва асоратларини ҳисобга олган ҳолда) ва ушбу текширувга альтернатив ҳисобланган силжиш тўлқини эластографиясини ўз ичига олган комплекс УТТ қулай, оммабоп ва маълумотли тадқиқот усули сифатида қўллаш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ўткир ва сурункали гломерулонефритли барча болаларга силжиш тўлқини эластографиясини ўз ичига олган комплекс УТТ ўтказилиши ҳар бир бемор учун 1 410 000 сўмни ташкил қилди. **Хулоса:** тавсия этилган ноионлаштирувчи нур ташхиси усулларида фойдаланган ҳолда инвазив бўлмаган тадқиқотлар орқали қимматбаҳо ва инвазив усуллар (буйрак биопсияси)ни талаб қиладиган усуллар сонини камайтириш мумкин ва шу орқали умумий 1 410 000 сўмга харажатларни иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида тақдим этилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабчанлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар ақс эттирилган, тадқиқот объекти ва предметига характеристика берилган, диссертация ишининг Республика илмий ва технология устувор йўналишларига мувофиқлиги намойиш этилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Болаларда гломерулонефритни диагностикасининг замонавий масалалари»** да чет эл ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган, эпидемиология, этиология ва патогенез ҳақидаги замонавий тасаввурлар ҳамда болаларда гломерулонефритни диагностика қилишга замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган. Ўтказилган таҳлил натижалари тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва вазифаларини асослаб берди. Хулосада ультратовуш диагностикаси ва МРТ усулларини болаларда гломерулонефритнинг эрта ташхиси учун ноинвазив ва осон қўлланиладиган усуллар деб ҳисоблаш мумкинлиги таъкидланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Клиник материалнинг умумий характеристикаси ва тадқиқот методикаси»**да тадқиқотга киритилган ва ўткир ҳамда сурункали гломерулонефритнинг турли босқичларига эга бўлган болаларнинг характеристикалари тасвирланган. Клиник, лаборатория ва замонавий ташхисотлардан фойдаланилган нур ташхиси усулларининг комплекс тадқиқот натижалари келтирилган. Бу бобда ўрганилган беморларнинг умумий характеристикалари ҳамда тадқиқотда қўлланилган усуллар ҳақида маълумотлар мавжуд.

Тадқиқотда ўткир ва сурункали гломерулонефрит билан оғриган 220 нафар боланинг натижалари тақдим этилган бўлиб, шулардан 160 нафар гломерулонефрит билан касалланган болалар асосий гуруҳни ташкил қилган ва назорат гуруҳини 60 нафар деярли соғлом болалар (буйрак яллиғланиши касалликлари белгилари йўқ) ташкил этди.

Тадқиқот натижаларига кўра болалар икки гуруҳга ажратилди – клиник касаллик аломатлари аниқ кўринган, пешоб ва қон кўрсаткичлари ўзгарган болалар ўткир гломерулонефрит (64 (40%)) гуруҳига киритилган. Клиник касаллик аломатлари йўқолган, пешоб ва қон кўрсаткичлари тикланган беморлар сурункали гломерулонефрит гуруҳига киритилган. Уларнинг сони 96 (60%) нафарни ташкил қилган. Жами 92 ўғил бола (57,5%) ва 68 қиз бола (42,5%) бўлиб, уларнинг ёши 3 ойдан 18 ёшгача эди (1жадвалга қаранг).

Жадвал - 1 таҳлили шуни кўрсатадики, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар умумий касалланган гуруҳнинг деярли ярмини ташкил қилади.

Тадқиқот икки босқичдан иборат бўлди. Биринчи босқичда 2019 йилдан 2023 йилгача Болалар Миллий тиббий марказининг нефрология бўлимида ва ТошПТИ «Тиббий радиология» кафедраси базасида стационар даволанган

барча гломерулонефрит (ГН) билан оғриган болаларнинг амбулатор карталари ва касаллик тарихи таҳлил қилинди. Беморларнинг клиник ва функционал ҳолати, анамнестик ва лабораторно-инструментал тадқиқот маълумотлари ўрганилди. Иккинчи босқичда стандарт умумклиник, лаборатория ва биокимёвий тадқиқотлар, силжиш тўлқини эластографияси қўлланилган комплекс УТТ, зарур ҳолларда МРТ ўтказилди.

**Жадвал 1.**

**Гломерулонефрит билан оғриган болаларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимоти (n=160)**

Ёши	Ўғил бола (n=92)		Қиз бола (n=68)		Умумий (n=160)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
3 ойлик - ёш	5	3,1	3	1,9	8	5,0
1-3 ёш	14	8,6	13	8,1	27	16,7
3-7 ёш	16	10,0	15	9,4	31	19,4
7-10 ёш	22	13,8	16	10,0	38	23,8
10-14 ёш	24	15,0	14	8,8	38	23,8
14-18 ёш	11	6,9	7	4,4	18	11,3
Жами	92	57,4	68	42,6	160	100

УТТ текшируви Aplio 500 (Япония) ва GE Logiq P7 аппаратларида ўтказилди. 35 болада МРТ текширувлари Neusoft компаниясининг 0,35Т паст майдонли Super Star аппаратида ва GE компаниясининг Signa Architect 3Т юқори майдонли МРТ аппаратларида амалга оширилди.

Тадқиқот давомида болаларда буйрақларнинг силжиш тўлқини эластографияси (ARFI, SWE) технологияси такомиллаштирилди. Беморлар энгил нафас олиши кечиктирилганда буйрак узунасига ўлчаниб, кизиқтирган худуднинг максимал чуқурлиги 5 см доирасида, буйракнинг юқори, ўрта ва қуйи зоналарида кортико-медуляр қатлам (КМС) эластиклиги ўрганилди.

Олинган маълумотлар статистик таҳлил учун амалий дастурлар пакети орқали қайта ишланди. Ўртача арифметик қиймат (М), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хато (m), нисбий кўрсаткичлар (даврийлик, %) ҳисоблаб чиқилди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида ишонч даражаси  $p < 0,05$  қабул қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Болаларда гломерулонефритни комплекс ноионловчи нур диагностика усуллари натижалари**»да беморларни комплекс УТТ (кулранг шкала, доплерография, эластография) билан текшириш натижалари келтирилган. 45 (28,1%) болада инфекциянинг клиник кўринишлари, асосан юқори нафас йўллариининг ўткир инфекциялари қайд этилган, аммо лаборатория текширувларида инфекция аниқланмаган. 8 болада (5,0%) инфекциянинг клиник симптомлари кузатилмади, аммо антистрептолизин-О юқори титри аниқланди. Одатда, ташхис қуйидаги клиник симптомлар мавжуд бўлган болаларда қўйилди: маҳаллий шишлар (46,7% ўткир гломерулонефрит (ЎГ) ва 56,7% сурункали гломерулонефрит

(СГ) болаларда кузатилди), фебрил иситма (мувофиқ равишда 10,5% ва 6,7%), пешоб ранги ўзгариши (мувофиқ равишда 33,3% ва 36,7%) ёки нефротик синдромнинг тўлиқ симптомлар мажмуаси (кўплаб шишлар, олигурия, 43% болаларда) стрептококк, стафилококк, клебсиелла ёки вирусли инфекциялардан кейин 1-3 ҳафта давомида ёки ушбу инфекцияларнинг намоён бўлиши жараёнида юзага келган.

Иккала гуруҳдаги болаларда ҳам инфекциядан кейинги ҳолатнинг, асосан, ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) ва/ёки орофаренгиал инфекциялари билан боғлиқлиги аниқланди. СГ гуруҳидаги беморларда тери шикастланиши, жароҳатлар кўринишида намоён бўлди. Икки болада такрорланувчи фурункулёз ва икки ўсмирда юздаги тошмалар (фолликулит) аниқланди. Клиник маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, касалликнинг бошланғич босқичида касаллик шакли (ўткир ёки сурункали)га боғлиқ ҳолда клиник симптомлар ва синдромларнинг пайдо бўлиш тезлигида статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади.

Биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили (2 жадвалга қаранг) гломерулонефрит (ГН)нинг табиатига қараб, беморлар гуруҳлари ўртасида айрим статистик аҳамиятли фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Биринчи госпитализация вақтида С-реактив оқсил даражаси ўткир гломерулонефритли болаларда анча юқори бўлган. Бироқ, бир йил ўтгач, иккинчи госпитализация вақтида, ушбу кўрсаткич сурункали гломерулонефритли беморлар гуруҳида юқори бўлган. Сурункали гломерулонефритли беморларда, такрорий госпитализация вақтида, сийдик ва креатинин миқдори (мувофиқ равишда 1,5 ва 1,8 марта) ўткир гломерулонефритли беморларга нисбатан юқори бўлган (2 жадвалга қаранг).

## Жадвал 2.

### Ўткир ва сурункали гломерулонефрит билан оғриган болаларда қон ва сийдикнинг биокимёвий кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткичлар	Умумий (n=160)	ЎГ (n=64)	СГ (n=96)	р-қиймат*
Альбумин (г/л)	34,2 (30,3±39,0)	36,0 (33,1±40,5)	23,9 (22,6±24,7)	<0,01
Қондаги креатинин (мкмоль/л)	76,0 (60,0±102,5)	75,0 (59,0±94,5)	88,8 (73,1±251,9)	<0,05
Қондаги мочевино (ммоль/л)	6,2 (4,5±9,7)	6,1 (4,5±8,3)	8,6 (4,1±25,2)	>0,05
КФТ(мл/мин/1,73 м <sup>2</sup> )	119,6 ± 51,0	125,9 ± 48,6	90,3 ± 53,1	<0,01
Умумий оқсил (г/л)	1,65±1,14	1,9±1,82	1,4±0,46	<0,001
Плазмада лейкоцитлар	6,55±9,79	4,4±2,28	8,7±17,30	>0,05
Плазмада эритроцитлар	18,8±8,34	24,0±3,22	39,2±13,57	<0,001

Изох: р – беморлар гуруҳларидаги кўрсаткич қийматлари фарқининг ишончилилик даражаси; р>0,05 - фарқ ишончли эмас.

Сийдик таҳлили натижалари гломерулонефритли беморларнинг лаборатор ҳолатини баҳолашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу натижалар сурункали гломерулонефритнинг бошланғич даврида ва касаллик бошланганидан бир йил ўтгач болаларда кўпроқ гематурия ифодаланганлигини кўрсатади. Шунингдек, ушбу беморларда такрорий госпитализациялар вақтида креатинин ажралиши, КФТ ва сийдикнинг ўзига хос оғирлиги камайиши фонида протеинуриянинг кучайиши кузатилди.

Тадқиқотга киритилган 60 назорат гуруҳи болаларидан 40 нафари (66,7%) ўғил бола ва 20 нафари (33,3%) қиз бола эди. Барча болалар учта ёш гуруҳига ажратилди: <1 йил, 1-5 йил ва >5 йил. Болаларнинг ёши 3 ойдан 18 ёшгача бўлиб, ўртача ёши  $7,9 \pm 3,7$  йилни ташкил қилди. Вазн диапазони 3 кг дан 75 кг гача эди. Болаларнинг вазни бўйича медиана интерквартил диапазон (IQR) билан 23 (16,25-33) кг ни ташкил қилди.

Соғлом болаларда силжиш тўлқини эластографиясида буйрак паренхимасининг кортико-медуляр қатлам эластиклиги кўрсаткичлари (кПа) 3-жадвалда келтирилган.


### Жадвал 3.

#### Соғлом болаларда силжиш тўлқини эластографиясида буйрак паренхимасининг кортико-медуляр қатламининг эластиклик кўрсаткичлари (кПа)

Ёш гуруҳи	Буйракларнинг кортикал қаватининг эластиклиги		Буйракларнинг медуляр қаватининг эластиклиги	
	Ўнг*	Чап*	Ўнг*	Чап*
< 1 ёшгача	8,7 (5,7–11,7)	8,7 (4,2–14,1)	7,1 (5,1–12,5)	6,8 (4–10,6)
1–5 ёш	7,3 (5,3–10)	8,9 (6–12,3)	7,2 (4,9–9,7)	6,9 (5,6–9,9)
>5 ёш	7,4 (5,3–11,2)	9,6 (6,2–12,7)	6,8 (5,1–9,6)	7 (5–10,2)
р-қиймат	р>0,05		р>0,05	


\*Қийматлар медиана (IQR)да келтирилган, кПа.

Бизни тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, болаларнинг ёши ошиши билан буйракларнинг узунлиги ҳам ошади. Бу корреляция статистик жиҳатдан ишончли бўлди ( $p < 0,001$ ). Аммо кортикал ва медуляр қавати SWE қийматлари турли ёш гуруҳлари орасида фақатгина озгина фарқларга эга бўлди. Бу фарқлар статистик жиҳатдан ишончли эмас эди ( $p > 0,05$ ). Шунингдек, бемор болаларнинг жинси, вазни, бўйи ёки БМИ (Бадан Масса Индекси)га қараб SWE қийматларида статистик жиҳатдан ишончли фарқлар аниқланмади. Соғлом болаларда буйракнинг кортикал ва медуляр қавати учун SWE нормал қийматлари 6 дан 10 кПа гача ўзгариб туриб, кўпчилик болаларда ўртача қиймат 7,5 кПа атрофида бўлди (қ. расм 1). Кортикал ва медуляр қаватнинг SWE қийматлари болаларнинг ёшига боғлиқ эмас. Буйракнинг кортикал ва медуляр қаватлари учун SWE қийматлари ўртасида сезиларли боғлиқлик мавжуд.



**Расм 1.** Соғлом болаларда буйракнинг кортикал ва медуляр қаватлари эластиклигини ўлчашни кўрсатувчи силжиш тўлқини эластографияси (SWE) тасвирлари.

Биз болаларда ўткир ва сурункали гломерулонефритнинг комплекс ультратовуш белгилари ўргандик. Дастлаб буйрак морфологияси В-режимдаги УТТ ёрдамида баҳоланди, сўнгра нуқтали режимдаги SWE ишга туширилди. Бемор энгил нафас олиши бироз ушлаб турганда буйрак узунламасига ўлчанди. Кейин ультратовуш доплерографияси ёрдамида буйракларнинг ўрта ва қуйи кутбларидаги бўлақлараро артерияси резистентлик индексини (RI) ўлчанди.



**Расм 2.** Болаларда ўткир гломерулонефритнинг комплекс ультратовуш белгилари. А.Буйракнинг катталашиши ва кортикал эхогенликнинг ўртача ошиши. Б.ARFI-эластографияси буйрак эластограммаларида кортико-медуляр соҳанинг эластиклиги  $3,42 \pm 0,34$  м/с га ошгани кўринади.

Ўткир гломерулонефрит билан оғриган болаларда буйракнинг кортикал паренхимасининг юқори, ўрта ва қуйи зоналари учун силжиш тўлқини эластографиясининг ўртача кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан анча юқори бўлди ( $P < 0,05$ ) (4 жадвалга қаранг).

#### Жадвал 4.


##### Ўткир гломерулонефрит (ЎГ) болаларида силжиш тўлқини эластографиясининг қийматлари қиёсий кўрсаткичлари

Буйракнинг кортикал қисми	ЎГ билан оғриган асосий гуруҳ болалари (n=64) м/с	Назорат гуруҳи (n=64) м/с	Р-қиймати
Юқори зона	$3,42 \pm 0,42$	$2,85 \pm 0,63$	$< 0,001^*$
Ўрта зона	$3,45 \pm 0,45$	$2,85 \pm 0,68$	$< 0,001^*$
Қуйи зона	$3,39 \pm 0,39$	$2,86 \pm 0,66$	$< 0,001^*$

\*Р-қийматлар мустақил t-критериясига мувофик

Ҳар бир буйрак зонаси учун ЎГ ни нормадан ажратиш учун силжиш тўлқини эластографиясини ўлчашнинг энг яхши чегара қийматлари ROC-таҳлили ёрдамида аниқланди.

Юқори, ўрта ва қуйи зоналар учун чегара қийматлари мос равишда 2,74, 2,71 ва 2,81 м/с деб белгиланди ( $P < 0,001$ ). Кривой остидаги майдон ҳар бир зона учун мос равишда  $r = 0,754$ ,  $0,769$  ва  $0,753$  ни ташкил этди. ROC-таҳлилининг батафсил натижалари Расм. 3 да кўрсатилган.




**Расм 3.** ROC – ўткир гломерулонефрит (ЎГ) билан оғриган болаларда буйракнинг кортикал қаватининг танланган участкаларига мувофиқ чегара қийматларининг таҳлили. Юқори, ўрта ва қуйи зоналар учун эластографиянинг чегара қийматлари ( $P < 0,001$ ).

